Ю.ГУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ, 22 МАЙ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 96 (10.653)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир нечта йўналишдаги қонун лойиҳалари қаторида иккинчи ўқишда киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини депутатлар муҳокама қилиб, бир қатор таклифлар киритишди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бир гуруҳ тингловчилари дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси доирасида Россия Федерациясининг Саратов вилоятида бўлишди. Бир ҳафта давомида ватандошларимиз Поволжье давлат хизмати академиясининг етакчи олимлари билан учрашишди, давлат бошқаруви ва менежмент муаммолари, Россиянинг молия-кредит ва солиқ тизими бўйича ўқув курси маърузаларини тинглашди.

● Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган Ўзбекистон музейлари фестивали бўлиб ўтди. Унда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда республика музейларининг вакиллари иштирок этди.

● Бухоро вилоятида «Ўзбек либоси: анъана ва замонавийлик» мавзуидаги республика фестивали бўлиб ўтди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, республика модельерларининг «Osiyo Ramzi» уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Бухоротекс» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Касаба уюшмалари ташкилотлари Тошкент вилоят бирлашмасининг Кенгаши болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик масалаларига бағишланган семинар ўтказди. Унда ёзги соғломлаштириш мавсумида болаларнинг соғлиғини тиклаш, оромгоҳларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, маънавий-маърифий тарбия ишларини йўлга қўйиш, молия ва озиқ-овқат масалалари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

● Тошкент Давлат техника университетида республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат техника университети ҳамда ёшларнинг Беруний академияси томонидан ташкил этилган «Фан ва техника тараққиётида ёшлар» мавзуида иқтидорли талабаларнинг республика миқёсидаги 6-илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

● Россиянинг Ярославль қўғирчоқ театрининг Тошкентдаги гастроллари «Бука» спектакли билан бошланди. Томошага болалар боғчалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчилари таклиф этилди.

● Ўрта Чирчиқ туманида ғалла уруғчилигига бағишлаб ўтказилган республика амалий кўргазмали семинар кенгаши уруғлик сифатини ошириш мавзуига бағишланди. Унда республика ғаллачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги филиаллари олимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг вилоят бошқармаси вакиллари, «Ўздавуруғназорат» инспекцияси ҳамда «Ўздонмаҳсулот» компанияси тармоқларидаги корхоналар мутасаддилари қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Еврокомиссия қарорига кўра қўйилган барча талабларни бажарган Словенияда 2007 йил январидан бошлаб евровалютаси муомалага киритилади.

● Кеча Болқон ярим оролида жойлашган Черногорияда ушбу мамлакатнинг Сербия давлат ҳамжамиятида қолиш-қолмаслигини ҳал этиш масаласига бағишланган умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Референдум олдидан кўпчилик давлат ва жамоат арбоблари, хусусан бош вазир Мила Жуканович мустақиллик тарафдори эканликларини билдиришди. Агарда 55 фоиз халқ мустақиллик тарафдори бўлиб овоз берса ушбу масала ижобий ҳал бўлади.

● Абхазияда россиялик тинчликпарвар кучларни олиб кетаётган БТР жанговар машинаси ағдарилиб жарга қулаши натижасида олти нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ушбу ҳодисанинг сабаблари аниқланмоқда.

● Россия тинчликпарвар кучларининг дастлабки отряди Суданга жўнаб кетди. БМТ миссияси таркибида фаолият кўрсатувчи тинчликпарвар кучларнинг асосий мақсади мамлакат жанубида қуролли можарони тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишдир.

● 2025 йилга бориб Буюк Британия Яқин Шарқ, Россия ва Африкадан келтириладиган газга кучли муҳтожлик сезиши мумкин. Шу муносабат билан мамлакатнинг бизнес соҳаси вакиллари олдида маъруза билан чиққан Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр янги авлодга мансуб атом станциялари қурилишини бошлашни таклиф этди.

● Арктика музликларида тадқиқот ишларини олиб бораётган Россиянинг «Шимолий Қутб-34» қутб станцияси илиқ оқимларга тушиб, ҳалокатга учраш хавфи туғилди. Ҳозир унга кўмак бериш мақсадида Мурманскдан «Емал» атом музёрари йўлга чиқди.

● Краснодар ўлкасида янги технологиялар асосида бунёд этилган темир йўл тоннели фойдаланишга топширилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**ЎТГАН** куни Акмал Икромов маданият ва истироҳат боғида Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларида аёллар ўртасида ўтказилган спорт марафони Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

●**КЕЧА** «Ўрикзор» маҳалласида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан уюштирилган тадбирда кам таъминланган оилалар аъзоларига, фахрийларга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

●**МИРОБОД** туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол аёллари иштирокида Алишер Навоий номидаги Санъат саройида маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

●**БУГУН** Ҳамза қурилиш касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати «Ҳомийлик ва ватанпарварлик олий фазилат» деб номланди.

●**ЎТГАН** куни «Ниҳол» спорт мажмуасида аёллар иштирокида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб ўтказилган спорт мусобақалари Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

●**ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Маҳалла умидлари» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Ота-оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида» деб номланди.

●**ЧИЛОНЗОР** туманидаги Фан ва технологиялар марказининг босмахонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан «Оила—жамиятнинг бошланғич таянчи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

●**КЕЧА** Юнусобод туманидаги 271-мактабда «Кулолқўрғон» маҳалласи фаоллари, фуқаролар йиғини вакиллари иштирокида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

●**БУГУН** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал- демократик партияси марказий кенгаши ташаббуси билан «Жамиятда аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

●**«ПОЙТАХТ»** меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика Аёллар саломатлик маркази ҳамкорликларида онкологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишлаб уюштирилган конференцияда шифокорлар иштирок этишди.

●**ҲАЛҚ** таълими вазирлиги қошидаги «Биоэкосан» Республика ёшларининг ўқув-услубий марказида «Ёш эколог китобсеварлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.


●**РЕСПУБЛИКА** киночилар уйида санъат мухлислари эътиборига Нажмиддин Ғуломов режиссёрлигида суратга олинган «Ширингина армоним» мусиқий фильмининг премьераси ҳавола этилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Иқтисодиёт

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ОШМОҚДА

АГАР ХОНАДОНИНГИЗДА БИР КУН ТУЗ БЎЛМАСА ЁКИ ДАСТУРХОНИНГИЗГА ТОРТИЛГАН ТАОМ БУ БЕБАҲО НЕЪМАТДАН БЕБАҲРА БЎЛСА, УНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИМИЗДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА ЭКАНЛИГИНИ, НАҚАДАР ҚАДРЛИ НЕЪМАТЛИГИНИ СЕЗИШИНГИЗ ТАБИИЙ. МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЭЪТИРОФ ЭТИШИЧА, СИЗУ БИЗ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИМИЗДА ДОИМИЙ РАВИШДА ИШЛАТАДИГАН АНА ШУ ОШ ТУЗИ ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛГАН МИНЕРАЛ МОДДАЛАР, ВИТАМИНЛАРГА БОЙЛИГИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР.



Шу маънода бир неча йиллардан бери пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида фаолият юритиб келаётган «ORZU OSH TUZI» масъулияти чекланган жамияти ўзининг сифатли, харидоргир маҳсулотлари билан истеъмолчилар эътиборини қозониб келмоқда. Энг муҳими, жамият барча талабларга жавоб берадиган йодланган ош тузи ишлаб чиқармоқда.

— Бугунги кунда асосий хом ашёни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Навоий шаҳридан олиб келаяпмиз, — дейди жамият раиси Абдулраҳим Мираҳмад. — Маҳсулотларимизнинг сифатини янада оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда юқори технологияли ускуналарни татбиқ этиш йўлга қўйилди. Кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги 3 баробарга ўсганлигини мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин.

Бундан ташқари жамият фаолиятида ижтимоий масалалар ҳам етарлича ҳал этилган бўлиб 50 нафар ходим ўз мутахассислиги доирасида иш билан таъминланган. Ходимларнинг фаолият юритишига бўлган эътибор иш унумдорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Маҳсулот сифатининг юқорилиги ҳамкорликда фаолият юритиш истагида бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони ортишига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу маънода бошқа тенг шериклар билан бир қаторда жамиятнинг асосий асбоб ускуналари «Айлин Гида Компани» қўшма корхонаси томонидан таъминламоқда.

Албатта келажак истиқболлари бугундан кўзга ташланади. Ўз олдига эл фаровонлигига ҳисса қўшишдек олижаноб мақсадни қўйган жамият мутасаддилари маҳсулотларни евро- пача усулда қадоқлашни режалаштирган.

2005 йилда жамият томонидан 168,6 миллион сўмлик 1,6 минг тонна ош тузи ишлаб чиқарилган. Олинган соф фойда эса 30 миллион сўмни ташкил этди. Яқиндан бошлаб 0,7 килограммда қадоқланган юқори навли ош тузини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонада Эндокринология институти билан ҳамкорликда ош тузида йод миқдорини аниқлаш учун «Йодочар» синов суюқлиги ишлаб чиқарилган. Шу билан бир қаторда ош тузини йодлаш муҳимлиги инобатга олиниб, йодат калий кимёвий моддасидан фойдаланилмоқда. Кимёвий моддалардан ўз ўрнида фойдаланиш ош тузини бир йилгача сақлаш имконини бермоқда.

Корхона маъмурияти яқиндан бошлаб барча қулайликларга эга янги бинода фаолият бошлади. Замонавий жиҳозлар билан таъминланган хоналарда иш жараёнига дахлдор ҳамма кўрсаткичлар таҳлил этиб борилади. Бундан ташқари ходимлар учун қишда ва кузда фойдаланиш мумкин бўлган шинамгина ошхона, ювиниш хона-



лари, дам олиш, спорт билан шуғулланиш хоналари ўзининг орасталиги ва замон талабларига мослиги билан ажралиб туради.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: илғор ходимлардан Дилфузахон Ғуломбекова ускуналарнинг иш жараёнини доимий назорат қилиб боради; корхона маҳсулотлари ўзининг харидоргирлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Еркабой Ботиров олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2005 ЙИЛ 11 АПРЕЛДАГИ «ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ САРМОЯЛАРИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА КИРИБ КЕЛИШИ УЧУН ЯНАДА КЕНГ ЙЎЛ ОЧДИ. БУ ЭСА ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛАЁТИР.

Фармон ва ижро

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Пойтахтимиздаги «Йўлдош Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси» масъулияти чекланган жамияти хайрли ишга қўл урди: Малайзиянинг «Tlway texco sdn bhd» компанияси билан ҳамкорликда янги «Uz-Tlway texco» қўшма корхонаси ташкил этилди. Малайзиялик сармоядорлар корхона низом жамғармасига 150 минг АҚШ долларилик инвестиция киритишди.

— Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани спорт инвентарлари, жумладан, либосларига бўлган эҳтиёжни янада оширмоқда, — дейди фабрика директори А.Исмоилов. — Шу боис янги қўшма корхонани спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирмоқдамиз. Қўшма корхона замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яқин кунларда бу ерда маҳсулотнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилади. Зарур хомашё маҳаллий корхоналардан олинади.

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

ПОЙТАХТИМИЗДА МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ» АШУЛА ВА РАҚС КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ўқувчи-ёшлар маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур танлов юртимизнинг педагогика йўналишида таълим олаётган йигит-қизлар ижодкорлик қобилиятини юксалтириш, маънавий дунёсини бойитиш, уларда миллий санъатимизга қизиқишни янада кучайтириш, ноёб истеъдод эгаларини излаб топиш ва рағбатлантиришдан иборат эди.

Кўрик-танловда тақдим этилган бадиий дастурларнинг мазмуни, савияси, миллийлиги, иштирокчиларнинг ижрочилик маҳоратига алоҳида эътибор қаратилди. Танловда иштирокчилар мумтоз қўшиқ, якка рақс, замонавий қўшиқ, оммавий ашула ва рақс каби йўналишлар бўйича куч синашди.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТ МАРКАЗИДА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА УСЛУБИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА УСЛУБЧИ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

УСЛУБЧИЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти ва Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздаги техник ижодиёт марказларининг элликка яқин услубчиси иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси ва касб-ҳунар эгаллашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу мактабдан ташқари таълим муассасаларидан услубий хизмат кўрсатувчилар масъулиятини янада оширишни талаб қилади. Тадбирда оила — маҳалла — таълим ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, ўқувтарбия жараёнига илғор педагогик технологияларни кенг татбиқ этиш ва маънавий-маърифий ишлар кўламини янада кенгайтириш борасидаги ишларни жадаллаштириш хусусида сўз борди.

Икки кун давом этган семинарда тўгаракларда таълим беришнинг ташкилий, дастурий ва ўқув-услубий таъминотини шакллантиришда интерфаол усуллардан фойдаланишга оид масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

ЎзА

Маҳалланг — ота-онанг

ЭНГ МУҲИМИ — ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

АЙНИ КУНЛАРДА МАҲАЛЛАЛАРДА ЎТАЁТГАН САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА. ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 120 ДАН ЗИЁД ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛАНДИ. УСМОН НОСИР НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА КУНИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА ДИЛБАР СУЛТОНОВА РАИС ВАЗИФАСИГА ЭНГ МУНОСИБ ДЕБ ТОПИЛДИ.

Ушбу маҳалла билан танишувимиз аҳоли ўртасида ўтказилган қисқа сўровномадан бошланди. Хусусан, бизни «Сайловлар ҳақида биласизми?» деган битта савол қизиқтирди. Олдиндан шуни айтиб ўтиш керакки, сўровга тортилган бирон-бир респондент эътирозли жавоб қайтаргани йўқ. Энг муҳими, уларнинг аксарияти оқсоқолликка тавсия этилган номзодлар юзасидан деярли тўлиқ маълумотга эга экан.

Бошқа ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқли ўлароқ Усмон Носир номидаги маҳалла турар жой мавзеси доирасида ташкил топмаган. Яккасарой туманининг шу номдаги марказий кўчаси бўйлаб жойлашган бу маҳалла ҳудудида бир нечта йирик корхоналар, кўплаб турли ташкилот ва муассасалар ҳам бор. Шунга қарамасдан, ушбу юридик субъектлар вакиллари маҳаллада бўлаётган янгиликлардан бехабар бўлиб қолмаётир, чунки, кўпчилик меҳнат жамоалари вакилларининг фикри билан айтганда, улар ҳам шу маҳалланинг аъзосидир.

— Бугунги кунда маҳалла алоҳида обрў-эътиборга лойиқ маскан ҳисобланади. Ва бу шунчаки кичик ҳокимият мақоми туфайли эмас. Маҳалла одамларни миллати, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ягона оилага бирлаштириб келади, яхши-ёмон кунларда суянчиқ бўлади, — маҳалла хусусида шундай дея, ўз фикрини билдирди «Лекам» акциядорлик жамияти раиси Лия Каримова. — Бизнинг жамоа ҳам Усмон Носир маҳалласининг бир қисмидир ва имкон қадар унинг муаммоларидан четда турмасликка ҳаракат қиламиз. Сайлов тўғрисида олдиндан бохабар қилинганимиз боис ишчи гуруҳига фуқаролар йиғини кенгашининг янги таркиби ва раиси номзоди бўйича ўз таклифларимизни киритдик...

Ушбу корхона раҳбари ҳамма нарсани охиригача ўз номи билан аташни маъқул топмади. Гап шундаки, «Лекам» акциядорлик жамияти бу маҳаллага кўп йиллардан буён ҳомийлик қилиб келади. Шунингдек «Зеромакс» компаниясининг филиали, туман иссиқлик таъминоти бўлими ҳам маҳалланинг «моддий фаоллари»дан ҳисобланади, айниқса қарияларга ғамхўрлик кўрсатиш масаласида доимий равишда ёрдам кўрсатади. Дарвоқе, Усмон Носир номидаги маҳалла атиги 2,5 йил илгари — аввалги фуқаролар йиғини сайлов кампанияси олдидан ташкил топган. Аммо тўқимачилар сулолаларидан иборат аҳолининг асосий қисми шу ҳудудда кўп йиллардан бери истиқомат қилиб келади ва айнан уларнинг ташаббуси билан «Бошлиқ» маҳалласи иккига бўлиниб, Усмон Носир номидаги маҳалла юзага келди.

— Чунки илгари «Бошлиқ» таркибида бўлсак-да, лекин амалда маҳалланинг моҳияти ва аҳамиятини мутлақо сезмаганмиз, — дейди 83 ёшли Раиса Гутнахт. — Тақдир тақозоси билан уруш йилларида мен Тошкентга келиб қолганман ва бутун умрим давомида «Тоштўқимачимаш» корхонасида ишладим. Маҳалла қанчалик катта кучга эга эканлигини ўша оғир дамларда, умумий олганда, кимлардир фақат ўзини, ўз оиласини ўйлаши мумкин бўлган даврда яхши англаб етганман. Бугунги кунда ҳам эътибордан четда қолаётганимиз йўқ. Хусусан, маҳалладошларим менга оғир кунларда мадад кўрсатади, байрамларда ҳам унутмайди. Ўйлайманки, бу сафарги сайлов кампанияси шунчаки одамларнинг фаоллиги билан эмас, балки уларнинг ушбу жараёнга қизиқиши ҳам анча ортганлиги билан аҳамиятга эгадир. Фуқаролар маҳалла бошида ким бўлишига бефарқ эмаслар, четдан таъсир этмаган равишда ҳар бир номзодга нисбатан ўз фикрларини мустақил айта олмоқдалар.

Раиса Ивановна бу сўзларини ҳисобот-сайлов йиғилишида ҳам яна бир бор қайтариб ўтди ва кўпчилик эътироф этганидек, айнан у маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятига адолатли баҳо берди, ютуқ қаторида камчилик ва муаммоларни ҳам очиқ-ойдин келтириб ўтди.

Алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимки, бошида бизга сайловчилар олдида берилган ҳисобот деярли ҳар бир маҳаллага таалуқли бўлган ишлар билан чеклангандек туюлди. Жумладан, 420 дан ортиқ муҳтож оилаларга 6,7 миллион сўмдан зиёд маблағ манзилли тақсимланган, икки нафар ёлғиз қарияга 300 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилган, умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан тантанали тадбирлар уюштирилган... Бироқ ободончилик ишлари билан бевосита жойида танишиш давомида узоқ муддатли режалар маҳалла фаоллари томонидан қисқа вақт ичида амалга оширилганидан шоҳид бўлдик.

— Ишонасизми-йўқми, билмадим-у, аммо биз чамаси йигирма йил давомида қоронғи кўчалардан юрардик, ҳар ҳил вазиятларга дучор бўлганмиз. Сабаби оддий— симёғоч чироқлари ёнмасди, — деди Юсуфжон Юнусов. — Албатта, Муҳандислар, 1-Муқимий кўчалари бўйлаб уларни янгилаш, шу атрофдаги уйлар олдидаги кабель ускуналарини алмаштириш катта маблағни талаб этарди. Бу борада маҳалламизга туман ҳокимлиги кўмаклашди. Аммо шу ўринда аваламбор оқсоқол ҳам қатъиятли ва талабчан бўлиши қанчалик муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ёшим 75 да, шунинг учун очиғини айтаман. Кўпчилик ҳисобидан фақат ўз уйи атрофини ободонлаштириб, аҳоли манфаатлари билан қизиқмайдиган оқсоқоллар ҳам йўқ эмас. Бизнинг маҳалламизда одамлар ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Яқин кунларда эса, менга маълум бўлишича, ёруғлик ниҳоят Усмон Носир, Бобур, Қушбеги кўчалари бўйлаб жойлашган кўп қаватли уйлар ҳовлиларига ҳам келтирилар эмиш. Бунинг ҳаммаси маҳалламиз фаоллари саъй-ҳаракатлари туфайлидир.

Ўтган вақт давомида маҳалла ҳудудидаги 28 та ёритиш устунлари таъмирланишидан ташқари, мавжуд 30 та кўп қаватли уйнинг 25 тасида йўлаклар тартибга келтирилиб, темир эшиклар ўрнатилди, босқичма-босқич асфальт ҳам янгиланиб келинмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси бир йилдан кўпроқ вақт ичида амалга оширилган. Гап шундаки, олдинги муддатга сайланган оқсоқол соғлиғи туфайли бир йил олдин вазифасидан бўшатиш тўғрисида ариза берган. Фаоллар ҳамда аҳоли илтимоси билан барча масъулиятни ўша кезларда масъул котиб вазифасидаги Дилбар Султонова ўз зиммасига олди. Раис вазифасини бажарувчи сифатида бу йилги сайловда унинг ҳисоботи қисқа ва лўнда бўлгани, асосий гап эса аҳоли тилидан айтилгани боиси ҳам шундадир.

— Менинг назаримда, бу маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишининг фарқли томони яна шундаки, унда 25 дан зиёд ҳар хил миллат вакиллари қатнашди, — дейди Тошкент Давлат юридик институти томонидан шу маҳаллага ҳуқуқий тарғиботчи сифатида бириктирилган Азамат Бозоров. — Барчамизга яхши маълумки, Яккасарой туманини кўпчилик байналмилал ҳам деб атайди. Бу ҳудудда 60 дан кўпроқ миллат-элат вакиллари истиқомат қилади. Усмон Носир номидаги маҳалла бунинг ёрқин мисолидир. Даставвал раисликка турли миллатга мансуб тўрт нафар номзод даъвогар бўлганди. Сайлов кунида эса бу мақсадда икки нафар уйғур ва ўзбек аёли беллашди. Бу билан нима демоқчиман? Усмон Носир номидаги маҳаллада сайлов кампанияси барча қонунчилик меъёрларига мувофиқ демократизм, ошкоралик ва сайлов тенг ҳуқуқлилиги тамойилларига асосан ўтди.

— Балки, ҳозирча зиммамга нечоғлик катта масъулият юклатилаётганлигини унча англаб етмаган бўлишим мумкин, — деди Дилбар Султонова. — Аммо маҳалладошларим ишончини оқлаш учун бор кучимни, барча имкониятларимни ишга солишга ҳаракат қиламан. Шунга ҳам ишонаманки, улар менга ҳар доим таянч бўла оладилар.

Юқорида айтилган барча фикрларга яна шуни қўшимча қилишимиз мумкинки, маҳалла фаоллари ҳозирча ўз фаолиятини мослаштирилган жойда юритмоқда. Маълум бўлишича, ҳокимият кўмаги остида кадастр масаласи ҳал этилган. Демак, энди қурилиш вақти келди. Бунинг учун эса катта маблағ талаб этилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бу масала якуний нуқтасига етказилишига, албатта, шубҳа йўқ.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Яккасарой тумани биринчилардан бўлиб сайлов кампаниясини якунлади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Қора кўзойнак қачондан расм бўлганини биласизми? Археологлар Миср Араб Республикасидаги фиръавн Тутанхамон мақбарасини тадқиқ қилиш жараёнида бу саволга ойдинлик киритишгандек бўлди. 3300 йиллик тарихга эга бўлган бу кўзойнак Лондондаги музей экспонатига қўйилган. Ойнакнинг шишаси жигарранг бўлиб, гардиши бронзадан ишланган.

● Саҳнада, тўю-тантаналарда жуда зарур бўладиган ҳаётимизга сингиб кетган микрофоннинг илк кашфиётчиси кимлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Тарихий маълумотларга кўра, 1827 йилда инглиз физиги Ч.Уитсон бу аппаратнинг илк аждодини, яъни овозни кучайтирувчи механик асбоб ясаб, уни «микрофон» деб атаган.

● Хитойликлар чойнинг мулойим қўзғатувчи кучи қадрини бундан тўрт минг йил илгари ҳам билишган. Европага у атиги 300 йил олдин келтирилган эди. Фақат XVII асрнинг бошларидагина Европа ва Шимолий Америкада чой ича бошлашди. Шундан кейин чойнинг энг аъло навларини бу ерларга ташиб келтиришга мўлжалланган «чой клипперлари» деб номланадиган тезюрар кемалар ҳам пайдо бўлди. Инглизлар Ҳиндистоннинг Ассан шаҳрида ёввойи ҳолда ўсадиган чой буталарини кўриб қолишади. Биологлар эса хитойликлар чой уруғини Ҳиндистондан олиб келишган деб ҳисоблашади. Бора-бора дастлаб Ҳиндистонда, кейин эса Сарандиб — Цейлонда катта-катта чойзорлар вужудга кела бошлади. Чой бутасининг икки тури мавжуд. Хитойда уларнинг бўйи бир метрга етади. Ҳиндистондаги буталарнинг бўйи эса 6 метр баландликкача етиши мумкин. Яна шуни айтиш керакки, халқлар ичида энг чойхўри инглизлардир. Улардан ҳар бири йилда тахминан 4 килограммгача чой ичса, америкалик 0,5 килограмм чой билан кифояланади.

● Мия — инсон ақлий фаолиятини бошқарувчи куч. Одам миясидаги ўнг ва чап ярим шарлар меъёрида ишласа, билингки, у рисоладагидек умр кечиради. Германиялик фуқаро Зайс Кристофс миясидаги чап ярим шарлар 1997 йилда операция қилиб олиб ташланган эди. Шифокорлар хулосасига кўра Зайс энди фақат тўшак режимидагина яшаши мумкин эди. Лекин операциядан кейин Зайс нафақат тўлишди, балки аввалгидек ўз меъёрида ҳаёт кечира бошлади. Ҳаттоки, илгари мутлақо кузатилмаган расм чизиш қобилияти ҳам намоён бўлдики, бундан Зайснинг ўзи тугул, шифокорлар ҳам ҳайратга тушишмоқда. Ҳаётда шунақа кутилмаган ҳолатлар ҳам учраб турар экан.

● Бугунги кунда монументал мақбарани англатувчи «мавзолей» атамасининг илдизи дунёнинг етти мўъжизасидан бири бўлмиш юнонларнинг Осиёдаги Карий деган вилояти ҳукмдори Мавзолнинг (милоддан аввалги 377-353 йиллар) хилхонасига бориб тақалади. Бино қурилиши Мавзол ҳаётлиги чоғида бошланган ва унинг вафотидан кейин завжаси Артимисия томонидан ниҳоясига етказилган. Афсонада айтилишича, Артимисия умр йўлдошининг шароб қўшилган ҳоки туробини сипқоради-да шу йўсин хўжасининг тирик дахмасига айланади. Мавзол хотирасини азиз тутиш мақсадида мармардан бунёд этилган ёдгорлик муҳташамлик бобида ягона эди. Мавзол ҳайкали ўрнатилмиш 7 метрлик пиллапоя эҳром бутун иморатни безаб турган.

● Кёльн шаҳрида турли дориворлар билан савдо қилувчи Фарина исмли бир киши 1709 йили ўткир ҳидли хушбўй сув сота бошлади. Фарина уни тайёрланадиган жой номи билан «Кёльншвессер» — «Кёльн суви» деб атади. Французлар бу мураккаб немисча иборани ўз тилларига таржима қилишлари натижасида «Кёльн суви» сўзи «Одеколон» тарзида талаффуз этиладиган бўлди. Французча таржимадаги бу ном «одеколон» деб кўпгина халқлар тилида қўлланиб келинади.

● Чехословак тарихчи олимлари қадимги архив ҳужжатлари орасидан қадимий маслаҳатлар китобини топиб олдилар. Унда таърифланган шифобахш пиво Карлови Варида ишлаб чиқилган экан. Уни тайёрлашда машҳур шифобахш булоқлар сувидан фойдаланилган экан.

● Жанубий Африка Республикасида туяқушлар мамлакатга катта даромад келтирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатдан улар ҳар йили мамлакат хазинасига 100 миллиард ранд, яъни 33 миллион доллар фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бу ўлкада туяқушчилик фермалари жуда кўп. Туяқушчилик мамлакат хазинасига даромад келтиришда олтин ювиш саноатидан кейинги ўринда туради. Ҳозир Исроил ва Зимбабведаги сингари ЖАРда мамлакатдан туяқуш ва унинг тухумини олиб чиқиб кетиш тақиқланган.

● Туркияда ўтказилган сўровлар натижалари қизиқ маълумотларни берди. Маълум бўлишича, мамлакатда 13 ёшгача бўлган болаларнинг тенг ярми ўзининг дунёга қандай келганини билмас экан. Сўралганларнинг 40 фоизи ўзларини ё экин майдонидан топиб олинган, ёки лайлак олиб келган, деб ҳисоблар экан. 36 фоизи эса қандай қилиб дунёга келганини ўйлаб ҳам кўрмаган.

● Қиличбалиқлар сақланадиган ҳовузда қоровул бўлиб хизмат қиладиган Жон Эйвист ҳаёт учун хавфли касбни танлаган. Ҳовуз Флорида шаҳрининг ҳайвонот боғида жойлашган. Жон Эйвист денгиздан ҳар хил қиличбалиқларни овлаб келиб, шу ҳовузга солади. Акваланг кийиб, ҳар куни бир неча маротаба ҳовузга тушади ва балиқларни овқатлантириб, назорат қилиб туради. Қиличбалиқлар янги шароитга тезда кўникиб кетадилар.

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

АЗАЛ-АЗАЛДАН ХАЛҚИМИЗ БОЛАЖОН, САХОВАТЛИ, САВОБ ЮМУШЛАР БОШИДА ТУРАДИ. АЙНИҚСА НОГИРОН, БЕТОБ, ЁРДАМГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИНГ ТЎРТ МУЧАСИ СОҒ ТЕНГДОШЛАРИДЕК ЎЙНАБ-КУЛИШЛАРИГА ИМКОН ЯРАТИШГА ИНТИЛИБ КЕЛГАН.



Ёшларга ҳар томонлама суянч бўлишга ҳаракат қилаётган «Камолот»чилар ҳам бу борада кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Хусусан куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ва «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан ўтказилган катта байрам дастури ҳам айнан юқоридаги ниятлар йўлида ташкил этилди десак асло хато бўлмайди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури ижроси йўлида туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи ногирон, ижтимоий муҳофазага муҳтож оила фарзандлари ҳамда алоҳида имтиёзли болалар учун ташкил этилган ушбу тадбирда болажонлар ширинликлар, музқаймоқ билан меҳмон қилинди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Боғ маъмурияти томонидан тарқатилган таклифномалар билан турли аттракционларда масза қилиб учишди, концерт дастуридан бир олам завқ олишди. Боғнинг сўлим гўшаларида сайр қилиб яйрашди.

— Байрамни ўтказишдан мақсадимиз, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман бўлими қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази раҳбари Дилафрўз Муҳитдинова. — Бизнинг кўмагимизга муҳтож болажонларни рағбатлантириш, ҳордиқ чиқаришлари учун шароит яратиш, табиатдан завқланиб, уни эъзозлашга ўргатишдир.

Кун бўйи давом этган, кўнгилларга бир олам шодлик улашган ушбу тадбир барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар



Бунёдкорлик

ЖОЗИБА БАҒИШЛАЙДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЎН-ЎН БЕШ ЙИЛ БЎЛМАГАН КИШИ АЙНИ ДАМЛАРДА ЮРТИМИЗДАГИ ТУБДАН ЎЗГАРИШЛАРНИ КЎРИБ, ҲАЙРАТГА ТУШИШИ ТАБИИЙ ҲОЛДИР. АЙНИҚСА ВАТАНИМИЗ БОШ МАЙДОНИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЎРК-ЧИРОЙ ОЧИБ, ЎЗИГА ХОС МЕЪМОРЧИЛИК АНСАМБЛИГА АЙЛАНМОҚДА ДЕСАК МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ. МАЙДОНГА ТУТАШ «ТУРКИСТОН» САРОЙИ ЙИРИК ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН АСОСИЙ МАЖМУАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНГАН БЎЛСА, МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ЯНА БИР РАМЗИ — ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ БИНОСИ МАЙДОНДАГИ УЛУҒВОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРДИ. ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИНИНГ ҲАМ ХУДДИ ШУ ЕРДА ЖОЙЛАШГАНИ ҲАР БИРИМИЗГА ТАРИХИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЭСЛАТИБ, БУГУН ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ИСТИҚБОЛИ ҲАҚИДА СЎЗЛАГАНДАЙ БЎЛАДИ.

Дарҳақиқат, буларнинг барчаси Мустақиллик майдонига келган ҳар бир юртдошимиз қалбида Истиқлол ғояларига садоқат, Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида фидойилик, аждодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини жўш урдириши аниқ.

Маълумки, ўтган йили ҳам Мустақиллик майдонида кўлами кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, унинг номига мос улуғворлигини янада орттирди. Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан майдонга кираверишда Эзгулик аркаси барпо этилди.

Кундузи офтобда, қош қорайганда эса беҳисоб чироқларнинг нурларида жилоланадиган музайян устунлар, уларнинг устидаги лайлагу турналар, Мустақиллик монументи сари бошловчи оппоқ мармар йўлак дилларда эзгу туйғуларни уйғотади.

Эзгулик аркасининг очилишида мамлакатимиз раҳбари яна бир олижаноб таклифни илгари сурган эди. Майдонга келган ҳамюртларимиз, айниқса мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимиз мана шу аркадан ўтиб, оппоқ йўлакдан қадам ташлаб, бир мўътабар сиймо олдига борсалар, ҳаяжон ва севинчга тўла қалбларда яна бир эзгу орзу истакларни ўтказсалар, ўзларига ва ўзгаларга бахт, Ватаннинг гуллаб-яшнашини тиласалар...

Шу йилнинг бошида Мустақиллик майдонида ана шундай монумент очилди. Унинг очилишида Юртбошимиз бахтиёр она ҳайкалининг Мустақиллик монументи олдига ўрнатилишида алоҳида рамзий маъно борлигини таъкидладилар. Мустақил, ўз истиқлолини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қодир халқ бахтли бўлишга ҳақлидир. Мамлакатимиз раҳбари бу мажмуани Мустақиллик ва Эзгулик монументи деб аташни таклиф этди.

Шу кунларда эса мамлакатимиз бош майдони атрофида яна бунёдкорлик ишлари авж олган. Хусусан, Хотира майдони билан туташган ҳудудда узунлиги 88 метр, эни 36 метрга тенг иккита фаввора ҳамда 576 квадрат метр ўлчамдаги насос станциялари қурилмоқда.

— Айни дамда ер ишларини бошлаб юбордик, — дейди биз билан суҳбатда қурилишнинг бош пудратчиси — «159-қурилиш трести» акциядорлик жамиятига қарашли 9- қурилиш бошқармаси бошлиғи Олимжон Собиров. — Қурувчилар уч сменада ишлаётган бўлсада, улар учун барча шароитлар яратилган, икки маҳал иссиқ овқат, дам олиш имкониятлари ҳам бор. Асосий қурилиш ишларида маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади, шу жумладан ташқи безашда ўзимизнинг гранит ва мармар ишлатилади. Биз қураётган фавворалар бундан чамаси 20-30 йил илгари барпо этилиб, ҳозирда тўлиқ реконструкция қилинаётган фавворалар кўринишидаги микроиқлим манзарасини давом эттирган ҳолда йирик мажмуа сифатида намоён бўлади. Барча ишларни шу йилнинг август ойида тугатишни режалаштирганмиз.

Қурилиш объектига келишдан аввал Хотира майдонини зиёрат қилгандик. Ушбу табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз ва аваламбор ёш авлод учун мўътабар қадамжога айланганига яна бир марта гувоҳ бўлдик. Яқин кунларда эса бу жойлар янада гўзаллашади. Ўзига хос меъморчилик санъати кўринишида барпо этилаётган фавворалар ўз шабадаси билан кўклам мувозанатига янада тароват бахшида этади.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ҲАМКОРЛИК СОҲАСИ — ОЛИЙ МАКТАБ

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ ҲАМКОРЛИГИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТГАН «ШАРҚ-ҒАРБ: ҲАМКОРЛИК ЖИҲАТЛАРИ» ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАВЗУСИ БЎЛДИ.

У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Росзарубежцентр»нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди. Конференцияда республиканинг барча вилоятлари олий ўқув юртларидан тарихчи олимлар, файласуфлар, филологлар, уларнинг россиялик ҳамкасблари, Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчи ва талабалари қатнашди.

Фан соҳасида яқин ҳамкорлик, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг узвий қисми ҳисобланади, деб таъкидланди анжуманда. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида битимнинг имзоланиши унинг ривожланишида янги босқични очиб берди. Бу ҳужжат фан ва таълим соҳасида ўзаро фойдали алоқаларни кенгайтиришнинг асосларини қўйди. Ҳам илмий, ҳам таълим жараёнини ташкил этишга ёндашувларнинг яқинлиги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат кадрлар тайёрлаш тизими доирасида йўлга қўйилган алоқаларни чуқурлаштирибгина қолмай, янгиларини, шу жумладан бевосита олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш имконини бермоқда. Бундай ҳамкорлик доирасида Ўзбекистоннинг ўнлаб олий ўқув юртлари иш олиб бормоқда, талабалар, ўқитувчилар алмашуви амалга оширилмоқда, биргаликда ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон ва россиялик олимларда асрлар давомида рўй берган шарқ ва ғарб маданиятлари бирбирини ўзаро бойитишининг жиҳатлари, фалсафий ва илмий ғоялар алоқадорлиги катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларни ўрганишни давом эттириш бу жараённи ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Конференция иштирокчилари гуруҳ мажлисларини ўтказдилар. Уларда илмий ғоялар ва тиллар алоқадорлигининг услубий ва ахборот асослари, шу муносабат билан шаклланган эстетик анъаналар, дунё манзарасининг миллий хусусиятлари ва замонавий фаннинг бошқа долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бир қатор йўналишларда биргаликда тадқиқотлар олиб бориш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

ЎзА

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

Ўлчов — тежамкорликка гаров

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ — БУ ФАҚАТГИНА ХОНАДОНИМИЗДАГИ ЁРУҒЛИК, НУРАФШОНЛИК БЎЛИБГИНА ҚОЛМАЙ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲАР БИР СОҲАСИ РИВОЖИДА МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИММАТБАҲО РЕСУРСЛАРИМИЗ СИРАСИГА КИРАДИ. АЛБАТТА, БУНИ ҲЕЧ БИРИМИЗ ИНКОР ЭТА ОЛМАЙМИЗ. ЗЕРО ТУРМУШИМИЗНИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ МУШКУЛ. БИР СОАТГИНА МАНА ШУ ЭЛЕКТР ТОКИ ЎЧИБ ҚОЛСА, ЎЙЛАГАН РЕЖАЛАРИМИЗНИ АМАЛГА ОШИРА ОЛМАЙ ХУНОБ БЎЛАМИЗ. ЛЕКИН УНИ ҲУДА-БЕҲУДА ИСРОФ ҚИЛМАСЛИК, НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНМАСЛИК, ТЕЖАБ-ТЕРГАШГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ҲАҚИДА ҲАММА ҲАМ БИРДАЙ ЎЙЛАЙВЕРМАЙДИ.


БАРЧАГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТАДИ

Яширишнинг ҳожати йўқ, орамизда электр энергиясидан ўғринча фойдаланаётганлар, ишлатилган қувват учун вақтида пул тўламаётганлар топилади. Шу боис ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб механизмини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Унга кўра 2008 йилгача республикамизда 4 миллионтадан зиёд ҳисоблагичлар қайта ўрнатилиши лозим.

Пойтахтимизда 2004 йилда ўз фаолиятини бошлаган «Elektron-Hisoblagich» Ўзбекистон— Хитой қўшма корхонаси ана шундай қайта ўрнатилиши кўзда тутилган электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ушбу қўшма корхона «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси «Энергосотиш» филиали, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда Хитой давлатининг «Hangrhou Zhongya Technology Co LTD» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, замонавий дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган. Ўтган йилларда корхонада ишлаб чиқарилган юқори сифатли ускуналар пойтахтимизнинг Миробод ва Яккасарой туманларидаги 4400 та хонадонга ўрнатилди.

— Корхонамизда тайёрланаётган электрон ҳисоблагичларнинг 3 йиллик кафолат муддати бор, — дейди корхона бош директори Ойбек Дўстмуҳамедов. —Энг муҳими эса у ишлатилган электр қувватини аниқ ўлчайди, унга ташқаридан таъсир кўрсатиб бўлмайди, асосийси ҳеч қандай ғирромлик ўтмайди. Ушбу электр энергияси ҳисоблагичларига замонавий интерфейс ва микрочип қурилмалари ўрнатилган бўлиб, электр энергиясини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларида самарали қўллаш мумкин. Электр энергиясини ўғирлашга бутунлай чек қўювчи ушбу ҳисоблагичдан ҳудудий электр тармоқлари бошқарув пультида кимга қанча энергия ажратилгани ва ундан қандай фойдаланаётгани ҳақида аниқ маълумот олиб туриш имконияти яратилган. Ишлаб чиқараётган ҳисоблагичларимиз шуниси билан аҳамиятлики, агарда фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик ҳолати бўлса, масофадан туриб ускуна автоматик тарзда тўхтатиб қўйилади. Ортиқча оворагарчилик ҳам бўлмайди. Истеъмолчи қарзини тўлагач эса ускуна яна ишга тушади. Бу, албатта қарздорликнинг олдини олишда, сарфига яраша ҳақ тўлашда, электр энергиясини тежаб-тергашда катта аҳамият касб этади.

Корхонада ўтган йили 320 мингта ана шундай замонавий ускуна тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Энди корхонанинг бугунги фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, 35 нафар малакали ходимнинг саъй-ҳаракати билан Хитойдан келтирилган бутловчи қисмлардан самарали фойдаланган ҳолда бир сменада 1300 та электр ҳисоблагич тайёрланмоқда. Йилнинг иккинчи ярмида эса иш икки сменада ташкил этилиб, юқоридаги рақам 2600 тага етади. Ташкилот ва корхоналар учун мўлжалланган 3 фазали электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бунинг учун яна бир цех Хитойдан келтирилган ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланди, кадрлар ўқитилди.





Жорий йилнинг ўтган 4 ойи хусусида сўз борганда 180 мингта ҳисоблагич чиқарилганини айтиш ўринли. Йил охиригача эса 1 миллион дона бир ва уч фазали электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилади. Айни кунларда эса Қарши, Тошкент, Бухоро шаҳарлари, Қорақалпоғистон Республикаси буюртмачиларига сифатли маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмоқда. Шунингдек, корхонада тайёрланган ҳисоблагичлар айни кунларда Юнусобод туманидаги хонадонларга қўйилмоқда, сўнгра Чилонзор туманидаги хонадонларга ўрнатилади.

— Маҳсулотни тайёрлашда сифати ва кафолатига алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Усмонов. — Малакали мутахассисларимиз ўз вазифаларйни тўлиқ адо этиб ускунани тайёр қилгач, ушбу ҳисоблагичлар замонавий линияларга ўрнатилиб компьютер орқали 11 та йўналиш бўйича текширувдан ўтади. Корхонанинг «Ўзстандарт» агентлиги билан шартномасига кўра, ушбу синов-текширув ишларида агентликнинг ходими, албатта иштирок этиб ускуна позициялар бўйича тўла текширувдан ўтгач, ҳисоблагич ва унинг паспортига ўз тамғасини босади.

Ушбу замонавий ҳисоблагичларнинг афзалликлари Қорақалпоғистон Республикасида яққол кўзга ташланмоқда, энергия исрофгарчилигининг олди олинмоқда.

Корхонанинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ўз режалари бор. Айни кунларда ҳисоблагичларнинг корпусларини ўзимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида янги цех қурилмоқда. Ҳисоблагичларни таъмирлаш учун сервис хизмати ҳам очиляпти. Шунингдек, ҳар бир вилоятда сервис хизмати кўрсатиш, абонентларга қулайлик яратиш бўйича махсус бригадалар ташкил этиш кўзда тутилган. Энг юксак мақсадлардан бири эса келгусида маҳсулот экспортини йўлга қўйишдир. Корхона буюртмалар асосида электр ҳисоблагичларни Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон давлатларидаги харидорларга ҳам етказиб бериш ниятида.

Электр энергияси тежамкорлигига, ундан ноқонуний равишда фойдаланишнинг олдини олишга ўз маҳсулотлари билан муҳим ҳисса қўшаётган корхона тадбиркорлари хорижий ҳамкорлар билан биргаликда изланишмоқда, янгиликлар яратишмоқда, маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатни оширишга ҳаракат қилишмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси эса бугунги ютуқларда акс этмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: корхонадаги қизғин иш фаолиятидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Кўргазмалар

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ ЙЎЛИДА

МАЪЛУМКИ, ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 23-26 МАЙ КУНЛАРИ ШАҲРИМИЗДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 3-ИХТИСОСЛАШГАН КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ЭРОННИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА УШБУ КЎРГАЗМАНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАШКИЛИЙ ТОМОНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир давомида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар, янги кўргазманинг аввалгиларидан фарқи ва бошқа масалалар хусусида сўз борди.

Аввалambор шуни таъкидлаш жоизки, Эрон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида маҳсулот айланмаси ҳозирда ҳар йили ўрта ҳисобда 25 фоизга юқорилаб бормоқда. Яъни, бу кўрсаткич 450 миллион долларни ташкил этади. Ва бу кўрсаткични янада кўтариш борасида барча имкониятлар мавжуд. Мазкур кўргазмани ташкил этишдан мақсад ҳам келгусида алоқалар кўламини бундан-да кенгайтириш учун янги имкониятларни излашдир.

Аввалги кўргазмалардан фарқли ўлароқ бу гал Эроннинг 50 га яқин компаниялари ушбу йирик тадбирга ташриф буюриб, ўзларининг асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида фойдаланиладиган технологиялари, уй-рўзғор буюмлари, қурилиш материаллари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар, дори-дармонлар, электр асбоб-анжомларини намойиш этадилар. Ҳозирда жуда зарур бўлган электр ва газ ўлчагичларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўргазмага жалб этишга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, кўргазма билан бирга унинг доирасида бир нечта тадбирлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Ўйлаймизки, уч кун давом этадиган кўргазма давомида ҳар иккала мамлакат тадбиркорлари учун ўзаро манфаатли бўлган кўплаб шартномалар имзоланади, ҳар хил соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилади.

(Ўз мухбиримиз)

Ислоҳотлар оқимида

ЯХШИ ШАРОИТ ВА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ МУЖАССАМ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИДА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УСТУВОР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЭКАНЛИГИ ХУСУСИДА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ.



Ўтган қисқа вақт мобайнида юқоридаги 2 та ширкат уйларида 60 погон метр иссиқлик қувурлари алмаштирилди, ноқонуний қурилма ва ўзбошимча қурилишлар олиб ташланиб, бинолар олди ободонлаштирилди, 14 та лифт таъмирланди, 156 та ёритгичлар тикланиб, кириш йўлакларига 200 квадрат метр ойналар қўйилди. Яшовчиларни ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этган ҳолда чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида майдонча ҳам барпо этилди. Асосийси, компания мутахассислари яшовчиларга буюртма тушган заҳоти зудлик билан хизмат кўрсатади. Айниқса, чилангар, пайвандчи ва электрчилар меҳнати самарасидан аҳоли мамнун.

«Уй-жой-коммунал хизматлар соҳасини ислоҳ қилиш яна бир ўта муҳим масалани — коммунал хизматлар, пудрат ва таъмир ишлари бозорларини шакллантириш масаласини ҳал этишни талаб қилмоқда, — деди Юртбошимиз. — Токи бозорда рақобат юзага келмас экан, ҳар бир ширкат бир неча пудратчи орасидан энг мақбулини танлаш, у билан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш юзасидан шартнома тузиш имкониятига эга бўлмас экан — бу соҳадаги мавжуд аҳволни ўнглаш қийин».

Пойтахтимизда ҳам 9 мингдан зиёд кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд бўлиб, улар 800 дан ортиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига бирлашган. Кейинги пайтда ана шу кўп қаватли уйларнинг ҳолатини яхшилаш, жорий ва капитал таъмирлаш, кириш йўлакларини ораста сақлаш, бинолар ён-атрофларини ободонлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Туманларда ташкил этилаётган профессионал бошқарув компанияларини эса бу борада ширкатларга ҳақиқий мададкор бўлишга интилмоқда.

Ана шундай компаниялардан бири Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган «Намунали Ҳамза» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, унга коммунал соҳани яхши тушунган, интилувчан Лилия Ирденова раҳбарлик қилмоқда.

— Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисидаги Қароридан сўнг ширкатлардаги уйлар сони ихчамлашди, ширкатлар сони ортди, — дейди Лилия Маҳмудовна. — Шу боис ҳам профессионал бошқарув компанияларининг ташкил топиши жуда долзарб бўлиб, энг муҳими кўп қаватли уйларда яшовчилар учун қулай ҳисобланади. Компаниямиз ўтган йилнинг декабрь ойида ташкил этилиб, ҳозирда жамоага энг малакали мутахассислар жалб этилган. 12 та ходимимиз ўз ишларини садқидилдан бажаришади ва шунинг баробарида авария-диспетчерлик хизмати ҳам ташкил этилган. Асосий мақсадимиз буюртмаларни ўз вақтида бажариш, шартнома тузган ширкатларимиздаги уйлар ҳолатини яхшилаш йўлида намунали хизматни ташкил этишдир.

Ҳозирда ушбу компания 1209 та хонадондан иборат 15 та кўп қаватли уйларни бирлаштирган 2 та уй-жой мулкдорлари ширкатларига хизмат кўрсатмоқда. Буюртмаларни бажаришда албатта, аввало керакли хом ашё ва жиҳозлар ҳозирланади. Буюртмаларни вақтида ва энг асосийси сифатли бажаришга эътибор кучли.

ЁШЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ ТАНЛАГАН КАСБИГА НИСБАТАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ЯНАДА ОРТТИРИШДА МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГЛАР ТОМОНИДАН БЕРИЛАЁТГАН ПУХТА НАЗАРИЙ БИЛИМ БАРОБАРИДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ, ЖОЙЛАРДА ЎЗ СОҲАСИ БЎЙИЧА ЎТАЛАДИГАН АМАЛИЁТЛАРНИНГ ЎРНИ КАТТА, АЛБАТТА.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Бу борада Тошкент қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув масканида йигит-қизларга 10 дан ортиқ йўналиш бўйича таълим берилади, касб-ҳунар ўргатилади. Айниқса, бу ерда коммунал соҳа бўғин мутахассисларини тайёрлашга қаратилган эътибор мамлакатимизда жадал давом этаётган уй-жой коммунал ислоҳотларини амалга оширишда, Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятларини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга ҳисса қўшишда катта аҳамиятга эга.

Коллежда сув ва газ таъминоти, канализация тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш йўналиши бўйича коммунал соҳа ходимлари тайёрланмоқда. Талабаларнинг ўз касбини пухта эгаллашлари учун устахоналар бугунги кун талаблари асосида жиҳозланиши баробарида, уларнинг амалиёт ўташларини таъминлаш мақсадида кўплаб қурилиш ва ишлаб чиқариш корхоналари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар тузилган. Улар орасида «12-трест» акциядорлик жамияти, «Протекс-иншоот» корхонаси, «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонаси ва бошқа ташкилот ва корхоналар мутахассислари бўлғуси кадрларга касб-ҳунар сирларини ўргатишда коллеж жамоасига яқиндан ёрдам бермоқда. Жорий йилда «Сувжиҳозгаз» қўшма корхонасида 50 нафар талабалар амалиёт ўташ даврида ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш ва ўрнатишдан тортиб, қайта созлашгача бўлган жараёнларда фаол иштирок этишди.

— Бугунги кунда кадрларни тайёрлаш жараёнида замон билан ҳамнафас бўлмоқ лозим, — дейди коллеж директори Жозил Тоҳиров. — Ислоҳотлар жараёни жадаллашувида барча соҳалар қатори коммунал хўжалигида ҳам замонавий, юксак самарали техника ва технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Шу боис ҳам амалиёт даврида, машғулотларни ташкил этишда ана шу нарсага катта эътибор қаратамиз. Бўлажак кадрлар замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириши учун сув таъминоти йўналиши бўйича устахонамизни ташкил этдик. Бу ерда талабанинг билимини амалда мустаҳкамлаши, ўзи мустақил ишлаши учун барча шароитлар бор.

Чиндан ҳам коллежнинг ушбу устахонасида сантехника жиҳозларини ўрнатиш бўйича полигон қурилган. У бинонинг биринчи қавати ва ертўласининг макети бўлиб, талабалар бевосита шу жойнинг ўзида мавжуд жиҳоз ва ускуналардан фойдаланиб, монтаж ишларини амалга оширишади. Бу эса қўлларига диплом олгач, бемалол ишлаб кетишларида катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, жорий йилда Учтепа туман ҳокимлиги таклифига кўра яна бир тажриба амалда синалмоқда. Битирувчи талабалардан иборат аҳил жамоа ташкил этилиб, тумандаги уй-жой мулкдорлари ширкатларида амалиёт ўташмоқда. Улар орасида ширкат раҳбаридан тортиб ходимларгача бор ва ишда ўзини кўрсатса, келгусида ҳам мустақил ишлай олишади. Бир сўз билан айтганда эса талабаларнинг амалиётни сидқидилдан бажаришаётгани уларни ўз эгаллаётган касбига меҳридан далолатдир. Зеро ҳар бир малакали кадр мамлакатимиз халқ хўжалиги ривожида муҳим ҳиссага эга бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Таълим

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА «ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ЙЎНАЛИШИДА БАКАЛАВР ВА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. АНА ШУ ТАЪЛИМИЙ ЖАРАЁН БИЛАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ АЛОҲИДА БИР КАФЕДРАСИ ШУҒУЛЛАНМОҚДА.

Ислом динига оид бой маънавий-илмий меросни янги педагогик технологиялар асосида ўрганиш борасида ҳам тажрибалар орттирилди. Айни вақтда машғулотларни ахборот ва коммуникация технологиялари воситасида ташкил этиш ўз ижобий натижасини бермоқда. Кафедра профессор-ўқитувчиларининг изланишлари туфайли қатор электрон ўқув адабиётлари юзага келди.

Шу ўринда «Танланган ҳадиси шариф» деган электрон дарсликни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Ҳадисшунослик анъаналарини баён этишда бу дарслик жуда қўл келди.

Янги педагогик технологияларнинг компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир қўлланмалар ҳам талабаларнинг бу борадаги билимининг ошишида қўл келади.

Акбар АЛИЕВ

Маданият

ДЎСТЛИК САМАРАСИ

ЯҚИНДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ РЕСПУБЛИКА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИДА «ЗАВҚЛИ ДАМ ОЛГИН БОЛАЖОН» ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Мазкур тадбир «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Россия Федерацияси Ярославл вилояти бошқармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ҳамкорликларида ташкил этилди. Унда Ярославл қўғирчоқ театри жамоасининг эзгулик ва яхшилик, дўстлик ва меҳр-оқибат мавзуидаги кўплаб спектакллари намойиш этилди.

Юртимизда уч кун давом этган Россия Федерацияси Ярославл вилояти маданияти кунлари доирасида болажонлар учун ўнга яқин рус халқ эртаклари асосидаги спектакллар намойиш этилди. — Болаларнинг севимли қаҳрамонларини саҳнада ўзига хос маҳорат билан «жонлантиришда» Россияда хизмат кўрсатган артистлар В.Смирнов ва М. Смирноваларнинг меҳнати катта бўлди,— дейди Россия Федерацияси Ярославл вилояти бошқармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси бошлиғи А. Акажанов.

Дарҳақиқат, мазкур тадбир мамлакатимизда театр санъатига, айниқса, қўғирчоқ театрига бўлган улкан қизиқиш, бу соҳага берилаётган эътибордан далолатдир.

Юлдуз РИЗАЕВА

Ўз=ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳар киши замона ҳодисаларининг зарбасига сабр этса, албатта, умид ўқи мурод нишонига тегар. Сабр қилувчига балолардан ҳеч зарар етмас. Чунки сабр шодмонлик калитидир ва роҳат эшиги бундан бошқа калид билан очилмас.

КОШИФИЙ

Машҳур садафсен, гавҳари
ноёб эрур кўнглинг,
Мусаффосен бу ҳижрон шомида
моҳитоб эрур кўнглинг.
УВАЙСИЙ

Машҳур Юнон исмли ҳакимнинг олдида бир киши: «Инсон учун орзусига етишдан буюк саодат йўқ!» деб қолди. Шунда Юнон унга: «Оз-кўпга қаноат қилиб яшашдан кўра буюкроқ бахт йўқ!» деб жавоб берди.

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ташлагил ҳирсни, қаноат пеша қил,
Шум ўлимнинг панжасин андеша қил!
Фаридиддин АТТОР

Икки тоифа одам бўлади: бири топганига қаноат қилмай қидиришда бўлади, иккинчиси эса тополмайди, бироқ қидиришда бўлади.

Қаноатли киши қийинчиликка, виждонли киши бечоралик кўйига тушмайди.

«ОТАЛАР сўзи»

Сабр билан ишлар битар, шошқолоқлик бошга етар.

КОШИФИЙ

Очликнинг ғамидин урма бошингга тош,
Урёнлик учун олма икки кўзингга ёш.
Қонеъ бўлу ўзни ҳақға таслим этгил,
Тўппи топилур агар эсон бўлса бош.

РОЖИЙ

Ҳакимларнинг айтишича, қийинчилик пайдо бўлганда доду фарёд қилиш ўрнига ва бу воқеадан дўсту душманларни хабардор қилишдан кўра, сабр ва чидам йўлини ихтиёр қилиб, қаноатни шиор қилмоқ яхши. Негаки бундан хабар топган дўстларнинг кўнглига хижолатлик тўлади, душманлар эса хурсанд бўлди. Шунинг учун чидам йўлини тутиб, бу балодан қандай қутилиш йўлини ўйлаш керак.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Қаноатли қул озод, озод тамагир эса қулдир.
Умидсиз одам равнақ тополмайди.
«ОТАЛАР сўзи»

Неча ким қуш ҳавода қанот урса,
Бўлур тушмоққа охир тўр қурса.
Қойиқ оқғон сув кўпруклар йиқар тарқ,
Сан акрунлуқ бирла бунёд қил барқ.
Уруғниким солар ерга экинчи,
Сабр бирла бошин кўтарур экинчи.
Ошуқғон терк орар, югуриб йўл олмаз,
Ким акрун сурса тўн-кун борса толмаз.

ҚУТБ

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур.
Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб, адо қилғай,
Оқил эрсанг, нафси баддин бўлғил безор.

Аҳмад ЯССАВИЙ

Худойим ҳар не берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.

Сўфи ОЛЛОЁР

Одамийга сабру қаноат керак,
Сидқу иродат ила тоат керак.

Саид ҚОСИМИЙ

ТАКАББУРЛИК, ХУДБИНЛИК, ҒАРАЗ, РИЁ, КАМТАРЛИК, ТАЪМАГИРЛИК ҲАҚИДА

Кучинг борки кибрга бўлма йўлдош,
Кибр бир кун кўзингдан тўккуси ёш.
Такаббур бўлмаса одам жаҳонда,
Яшар иззатдаю, бўлғай омонда!

Муҳаммад ҲУСАЙН

Худойим ҳар на берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.

Сўфи ОЛЛОЁР

Кимда-ким манман деб, ўзини баланд тутса, уни на халқ, на тангри севади.

Аҳмад ЮГНАКИЙ

Кибрнинг либосини ечгил устингдан,
Бир кун қилмасин зор ила ҳайрон!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

Кибр ва ғурурдан узоқ бўл, кибр кишини эл орасида хор, бекадру безътибор қилади.

Муҳаммад ҲУСАЙН

Чун қадам қўйдинг бу йўлға
бўлма бематлаб вале,
Фахри зиллат бўл, талашма
ғурбати мансаб вале.

Анбар ОТИН

Эй ўғил, ҳар кимда бўлса ушбу тўрт,
Бошқа бир тўрт туғилур нохушу мўрт.
Кимки ҳудбиндир охир расво бўлур,
Серғазаб доим пушаймондан ўлур.
Ҳам такаббурнинг кўпаюр душмани,
Сарғаяр хорлик туфайли бу тани.
Чунки хорлик кимсада пайдо бўлур,
Шумлиғидан эл аро расво бўлур.
Жаҳлини ютмас эса ичга киши,
Доимо пушаймон емоқдир ташвиши.
Кимни кибрдин баланддур гардани,
Айланур дўстларни бари душмани!

Фаридиддин АТТОР

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган.

Санъатимиз заҳматкашлари

УЗЛУКСИЗ ИЗЛАНИШДА

КИНО САНЪАТИМИЗНИНГ КЕЧАГИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ЮТУҚЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАГАНИМДА АВВАЛО ИЖОДНИНГ БУ СОҲАСИ ЗАҲМАТКАШЛАРИНИ ТИЛГА ОЛАМАН. ЗЕРО БУНДАЙ ТИНИБ-ТИНЧИМАС КИНО АҲЛИ МУАЙЯН АСАРЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ УЧУНГИНА ЭМАС, КИНОДА СОҒЛОМ МУҲИТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ, ИЗЛАНИШ УЗЛУКСИЗ БЎЛИШИ, СТУДИЯ ОСТОНАСИГА ИЖОД НАМУНАСИ БИЛАН БИРГА УНИНГ МАШАҚҚАТИНИ ҲАМ БИЛАДИГАН ШАХСЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Бир неча мисол: кинематографиямизнинг қалдирғоч арбоби, драматург, актёр Эргаш Ҳамроев иккинчи жаҳон урушига — жанг майдонига отланганида йўл халтасини кўтариб Шайхонтоҳурдаги студияга келган. «Фронтдаги дўстларга» фильм концертда роль ўйнаб, сўнг ҳарбий комиссариат ҳузурига борган. Уйдан эрта саҳарда хайрлашиб чиқиб келган жангчи (айни бир вақтда ноёб истеъдод соҳиби) Э.Ҳамроев манзилга номозшомда етиб келган. Афсуски, унинг умр манзили ҳам яқинлашиб қолган экан. 1942 йили янги сценарийлар ёзиш, ролларни ижро этиш ҳақида орзу қилиб юрган дамда, жанг майдонида ҳалок бўлган... Асад Исматов эса Ҳусайн Бойқаро ролини ўйнашида қошини устара билан қириб ташлашларига рози бўлган. Чунки гримчилар унинг қошларининг устига янги — ўзлари ясаган сунъий «қошни» елимлай олишмаган. Фильмдан кейин ҳам актёр чизилган «қош»га кўникиб юраверган.

Кинонинг яна бир фидойиси Мамажон Алимовни киностудияда эртаю кеч учратишингиз мумкин. Бугунги мақолани ёзиш ниятида уни излаб бу улкан ижод даргоҳига борсам, Мамажон интервью бераётган экан. Нур манбалари қўйилган. Кинокамера объективи унга қаратилган, тумонат одам йиғилган. Маълум бўлишича, М.Алимов Ҳамза Умаровга бағишланган фильмда иштирок этиб, буюк театр ва киноактёр ҳақида ҳикоя қилаётган экан. Бироз тингладим.

— Ҳамза акани актёр сифатида кўпчилик билади. Лекин мехрибон устоз, Шуҳрат исмли фарзандининг падари бузруквори сифатида негадир ёзилмайди, ҳикоя қилинмайди. У ҳайдаган енгил автомашина «Волга» ҳамиша ярқираб турарди. Бизни йўлма-йўлакай олиб кетмоқчи бўлганларида оёғимизга, пойабзалимизга кулимсираб қарардилар, дарҳол тушунар эдик. Туфлини, этикни тозалаб автомашиналари салонидан жой олардик. Бу покизалик фақат ташқи кўринишда эмас, ижодда, ҳамкасблар билан бўладиган муносабатда ҳам сезилиб турарди.

Суратга олиш дақиқаларини бироз кузатиб, Мамажоннинг самимий сўзларини тингладим-да, фурсат топиб савол бердим.

— Машҳур санъаткорлар билан кўп бирга бўлгансиз. Улардан нималарни ўргангансиз?

— Николай Черкасовдан мутолаа қилиш маданиятини ўрганганман. У Иван Грозний, Александр Невский каби тарихий шахслар образлари устида ишлаши даврида ўқиган китобларини, қилган суҳбатларини тинглаб, тасаввур этиб ҳайратга келганман. Сидқидилдан ўрганганман. Ахир у буюк С.Эйзенштейн раҳбарлигида ўтмиш сиймоларини экранда гавдалантирган. Ҳинд киноси юлдузи Чакрабортининг ҳамиша ролга тайёр бўлиши менга маъқул бўлган. У билан мулоқотда бўлганимда рақс тушиш учун кунда машқ қилиш кераклиги, техникани мукаммаллаштириб бориш зарурлиги ҳақида сўзлаган. Айни вақтда рақс ҳам тушиб фикрини тасдиқларди. Бизда барча актёрлар рақсни қойил қилиб тушади, деб бўлмайди. Дублерлардан фойдаланишади. Бастакор Тўлқин Қурбоновнинг тўғрисўзлигини, Саъдихон Табибуллаевнинг ҳазил-мутойибага ўчлигини, Лутфихон ая Саримсоқова рақсга ташналигини, Наби Ғаниев фильм яратиш билан чекланиб қолмасдан уни тарғиб қилиш йўлларини излаши ёдимда қолган. Бешёғочдаги кинотеатрнинг номи «Турон» эди, чамаси. Шу ерда Наби аканинг «Фарғона қизи» лирик киноқиссаси ҳақида билганман.Асар ўша давр мафкурасига зид деб топилган экан.

Бу жажжигина мақоламизни ёзиб бўлгач, киностудияга кирган эдик Мамажонни учратдик. Таклиф киритдик.

— «Шоҳи сўзана» фильми яратилганига ярим аср бўлди. Бирга кўрайлик.

— Бажонидил. Ўтганларни ҳам эслаймиз. Руҳлари шод бўлади.

Фильмнинг дастлабки кадрларида Абдулла Қаҳҳорнинг исми-шарифини кўрган ҳамроҳим:

— Абдулла ака студияга келиб фильмдан норози бўлганларини айтганлар. Ҳақ эдилар. Улар ёзган пьесанинг руҳи фильмда сақланиб қолмаган. Ўша давр сиёсатидан келиб чиқиб ҳаётни бўяб, пардозлаб кўрсатганлар. Мана бу кадрларини қаранг: чўлми бу ёки боғу-бўстонми?! Ҳафиза ролини ўйнаган Ноила Отауллаева санъат фидойиси эди. Ҳам актриса, ҳам режиссёр сифатида танилиб келаётган эди. Кўп чекар эди. Киностудиянинг директори ҳатто жарима солган, икки-уч марта ойлигидан олиб қолган эди. Ҳафизанинг дугонаси ролини ўйнаган Ирода Алиева театрга, кинога жуда меҳр қўйган эди. Чўлда суратга олиш дамларида кўз юмган...



Суратда: Мамажон Алимов (ўнгда) ҳинд киноси юлдузи М.Чакроборти билан

Ҳа, Мамажон фильмларни инсон тақдирида кўради.

Ўзбек киносига шундай билимдон, кўпни кўрган ақлли китобхон, сермулоҳаза шахслар хизмат қилади.

Ҳамидулла АКБАРОВ

СУРАТДА: Мамажон Алимов (ўнгда) ҳинд киноси юлдузи М.Чакроборти билан

Спортимиз фахрийлари

САМБО — МЕН УЧУН МЎЪЖИЗА

КИМ ЭКАН БУ КИШИ ДЕЙСИЗМИ? БУ ҲОЖИАКБАР МИРСАМАТОВДИР. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, САМБО КУРАШИНИ ХАРЛАМПИЕВ ТАВСИЯСИГА БИНОАН ЮРТИМИЗГА ОЛИБ КИРГАН ИНСОН АЙНАН ШУ ҲОЖИАКБАР ОТА БЎЛАДИЛАР.



Ҳожиакбар Мирсаматов 1927 йили Тошкентдаги «Темирчи» маҳалласида таваллуд топган. 1934-44 йиллар мобайнида Ҳамза номли ўрта мактабни битирган. Ёшлик давридан эркин курашга жуда қизиққан.

У киши ёшлик пайтларини шундай эслайдилар:

— Ёшлигимдан мен курашга жуда қизиқардим, укам Мираҳмад билан турли мусобақаларда қатнашиб ҳамиша ғолибликни қўлга киритардик.

Ҳа укам белбоғли курашда ҳақиқатда енгилмас эди, лекин умри қисқа экан, йигитлик чоғида оламдан ўтди.

Мен эса эркин курашда шаҳар биринчилигида ғолиб бўлгач, бизни Москва биринчилигига юборишди. Бу ерда ҳам барча рақибларни мағлуб этиб ғолиб чиқдик. Бу 1947 йили эди. Шунда самбо курашининг асосчиси ҳисобланмиш А. Харлампиев келиб бизга қизиқиб қолди ва кураш залига таклиф этди. У ерда самбо курашидан назарий маълумотлар бергач, шогирдлари билан солиштириб кўрди. Барчанинг енгилганини кўргач эса Тошкентга хат ёзиб бизни олиб қолганини айтган.

Кейин Харлампиевнинг тавсиясига кўра уни Литва, Латвия, Эстония каби республикаларга самбо кураши сирларини ўрганиш учун юборишган. 1950 йили Ҳожиакбар Мирсаматов она шаҳри Тошкентга қайтиб келди. Ана шу йилдан бошлаб самбо кураши юртимизда қулоч ёза бошлади.

1958 йилга қадар Мирсаматов нафақат республика, балки Москва биринчиликларида ҳам самбодан ғолибликни қўлдан бермай келган. Афсуски 1958 йилги автоҳалокат унга жиддий тан жароҳати етказди. Шунда кўзи кўрмай қолгани учун, самбони вақтинча тарк этди...

Ҳозирда Ҳожиакбар отанинг набиралари спорт билан шуғулланади, айримлари мураббий ва бир жияни Т. Ҳакимов ҳатто дзюдо кураши бўйича Осиё федерациясининг вице президенти даражасига кўтарилган.

— Спорт ўзи нима? Жаҳон ичра спортнинг тури кўп, — дея сўз юритадилар Ҳожиакбар ота. — Спортнинг ҳар бир турини соғлом авлод учун мўъжиза деб биламан. Спорт дегани — бу тартиб-интизом, одоб дегани, ҳар қандай инсон спортнинг қонун-қоидасига амал қилса, кучига куч, ақлига ақл, ҳуснига-ҳусн қўшилиб, покиза қалб, гўзал ахлоқли, адолатли, эл-юртининг келажак равнақи учун қайғурадиган намунали инсон бўлиб етишади. Бунга менинг имоним комил. Жумладан самбо кураши мени ҳам тарбиялади.

Ҳозир 80 ёшга кириб қолган пайтимда ҳам, ўз билак кучим, самбо кураши берган қувват билан, Юртбошимизнинг ўгитларидан руҳ олиб ташландиқ ерни обод қилиб, дарахт экиб, боғ яратиб юртим ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпман. Ниятим спортда давлатимиз байроғи йирик мусобақаларда, Олимпиадаларда баланд кўтарилса, Ўзбекистонимиз довруғи оламга ёйилса. Фикримни минг бир ифтихор билан «Самбо мен учун — мўъжиза...» деб якунламоқчиман.

Шожалол ШОҚОСИМОВ
ёзиб олди

СУРАТДА: Ҳожиакбар Мирсаматов.1954-55 йилларда олинган сурат. (Архив)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ

Болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссияси 2006 йилнинг ёзги мавсумида Сизнинг меҳнат жамоангиз ходимлари фарзандларини шаҳардан ташқарида жойлашган болаларнинг стационар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштириб, ҳордиқ чиқаришлари имкониятини яратади.

Ўзингизни қизиқтирувчи барча масалалар бўйича қуйидаги тармоқ касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгашларига мурожаат қилишингиз мумкин:

№	Тармоқ касаба уюшмаси шаҳар Кенгашининг номи	Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг номи	Жойлашган ҳудуди	Мурожаат учун телефон рақамлари
1	2	3	4	5
1	Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмиталари Тошкент шаҳар Кенгаши	«Стрельцов» «Трамвайчи» «Автомобилчи»	Оҳангарон туманп Тошкент шаҳри Чилонзор даҳаси, 15-массив Бўстонлиқ тумани, Хондоплиқ шаҳарчаси	367-13-21 131-10-13
2	Агросаноат мажмуаси ходимлари касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши	«Конструктор»	Бўстонлиқ тумани, Янгиқўрғон шаҳарчаси	144-24-66 144-24-69 144-24-82
3	Енгил ва мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмалари Тошкент шаҳар Кенгаши	«Зангори олов» «Меҳржон» «Гулбаҳор» «Зилола»	Бўстонлиқ тумани, Қоронқул шаҳарчаси Ўрта Чирчиқ тумани, Тошкент денгизи Учтепа тумани, Уриқзор даҳаси Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани	133-55-83 136-27-46 133-16-52
4	«Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшмалари қўмиталари раисларининг Тошкент шаҳар Кенгаши	«Маиталл» «Белдирсон» «Зафар» «Нурафшон»	Паркент тумани, Сўқоқ шаҳарчаси Бўстонлиқ тумани, Белдирсой шаҳарчаси Бўстонлиқ тумани, Белдирсой шаҳарчаси Бўстонлиқ тумани, Хондойлиқ шаҳарчаси	68-25-53 68-25-17 68-19-48
5	Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ходимлари касаба уюшмалари	«Қўғонли»	Бўстонлиқ тумани, Чимён шаҳарчаси	41-86-26 41-17-81
	Марказий Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича вакиллиги			

Болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш бўйича Тошкент шаҳар комиссияси

Манзил — Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24.

Маълумот учун телефонлар — 152-34-01, 152-34-10, 56-85-98, 56-76-08.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Эски жўва» деҳқон бозори очиқ акциядорлик жамияти бўйича муҳим фактларни ошкора қилиш ҳақида.

Аудитор хулосаси.

Аудитор текшируви «Назар Аудит» аудиторлик компанияси томонидан (2003 йил 16 январда берилган лицензия № 00505) 2006 йил 15 февралдан 3 мартгача давом этган.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботи жамиятнинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий — хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Жамиятнинг аффилланган шахслари ҳақида маълумот.

	Аффилланган шахснинг номи	Эгаллаган лавозими	Жамиятнинг аффилланган шахси ҳисобига бошланган сана	Оддий акция сони	Овоз берувчи акциялар сони%
1	Муҳамедходжаев А.И.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	500	0,12
2	Камолов Т.К.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	15	0,003
3	Содиқов Ҳикмат А.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	-	-
4	Акбарова Я.С.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	100	0,02
5	Саидходжаев О.А.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	300	0,07
6	Абулқосимов М.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	100	0,02
7	Мирҳайдаров Ф.М	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	-	-
8	Ибрагимов Х.К.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	-	-
9	Саидходжаев А.	Кузат.кен.аъзоси	24.12.2006й	-	-
10	Саломов Х.А.	Директор в.б	01.02.2004й	-	-
11	Асатуллаев Л.У.	Бош бухгалтер	10.02.1997й	6	0,001
12	Тошкент шаҳар совло департаменти Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан			383757	92.3

2005 йил якунлари бўйича Баланс

Кўрсаткичлар номи	счёт	Ҳисобот даври охирига
Актив		
Бошланғич қиймат	010	6994881,8
Эскириш суммаси	011	122103.9
Қолдиқ қиймат	012	6872777.9
Узоқ муддатли инвестициялар	080	18350,0
Қимматли қоғозлар	040	3350,0
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	080	15000,0
Капитал қўйилмалар	100	474235.1
Жорий активлар		
Ишлаб чиқариш заҳиралари	140	13829,2
Товарлар	180	24458.1
Кечиктирилган харажатлар	200	35183,5
Бошқа дебиторлик қарзлари	310	24631,0
Пул маблағлари жами	320	7645

Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари	340	0,2
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлар	360	7644,8
Баланс	400	7471109,8
Пассив		
Устав капитали	410	415669,8
Резерв капитали	430	82481,2
Тақсимланмаган фойда	450	28906,0
Мақсадли тушумлар	460	5650768,4
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар	470	7988,0
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар	610	791690,2
Ажратилган бўлинмаларга қарз	620	6059,7
Бюджетга тўловлар бўйича қарз	680	41504.7
Суғурталаш бўйича қарз	690	3397,1
Таъсисчиларга бўлган қарзлар	710	25458.4
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз	720	13274,8
Қисқа муддатли банк кредитлари	730	375000,0
Бошқа кредиторлик қарзлар	760	28881.2
Баланс	780	7471109,8
Кўрсаткич номи	Даромад	Харажат
Маҳсулотларни сотишдан соф фойда	885608,3	
Сотилган маҳсулотларнинг таннархи		268468,8
Давр харажатлари		300011,5
Сотиш харажатлари		13082.6
Маъмурий харажатлар		286928,9
Дивидентлар шаклидаги даромадлар	469,3	
Фоиз шаклидаги даромадлар	959,2	
Даромад солиги тўлагунга қадар фойда	392750,5	
Даромад солиги ва фойдадан бошқа солиқлар		363844,5
Соф фойда	28906,0	



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6